
«Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз» — Шавкат Мирзиёев

«Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз», — деди президенти. Бир йил давомида 1177 мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

2018 йилда 1177 нафар мансабдор шахс коррупцияга қўл ургани учун жавобгарликка тортилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишланган тадбирда президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтди.

«Телевизорда ҳар куни кўриб турибсиз: банкда, ҳокимиятда, шифохонада, прокуратурада, ички ишлар органларида [коррупция]. Қачон бу касалликдан халос бўламиз? Қачон бутун мамлакат бўлиб унга қарши курашамиз? 1177 мансабдор шахс орасида [вилоят ҳокимлари](#) ҳам бор», — деди давлат раҳбари.

Коррупция билан Ўзбекистон ҳеч қачон олдинга қўйилган мақсадларга эриша олмайди. «1177 киши, бу — жуда катта рақам. Бу нима дегани? Бу жамиятимиз адолат, ҳалоллик, масъулият, халқ эҳтиёжларини қондириш, халққа хизмат қилиш каби тушунчалардан ҳали узоқлигидан далолат беради», — деди президент.

Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарида коррупцияга қарши кураш қўмиталарини тузишни таклиф қилди.

«Газета.uz»

2018-12-10 10:19:36